


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 20 сентябрь, № 186 (5860) Жума


## хабарлар

*Янгиликлар, воқеалар,*

■ *Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Қўнғирот сода заводи қошида тикувчилик корхонаси ишга туширилди. Ушбу лойиҳа шарофати билан “Элобод” шаҳарчасида истиқомат қилувчи 40 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.*

### «Элобод»да яна бир лойиҳа

— Корхона биносини реконструкция қилиш ҳамда тикув дастгоҳлари хариди учун 262 миллион сўм сарфланди, — дейди завод мутахассиси Ислом Жақсимуратов. — Натижада бу ерда ишчи коржомалари, қўлқоп, ёстиқ жилдлари каби тикувчилик маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Ўтган қисқа муддатда корхона чеварлари 200 миллион сўмликка яқин буюртмаларни бажаришга муваффақ бўлдилар.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Шофиркон ҳамда Ғиждувон туманлари ҳудудига туташ Жилвон чўлларида ҳар йили минглаб тонна узум етиштирилади. Соҳибкорлар эндиликда маҳсулотга харидор топиш ташвишидан халос бўлдилар. Ҳосилни шу ерда қайта ишлаш имконияти юзага келди.*

### Қайта ишлаш — даромад манбаи

Бухоро шаҳридаги “Шоҳруд” акциядорлик жамияти томонидан Шофиркон туманида узумни бирламчи қайта ишлаш корхонаси ишга туширилди. Лойиҳани амалга оширишда корхонанинг ўз маблағи ҳамда банк томонидан ажратилган кредит қўл келди. 900 минг АҚШ доллари эвазига Европа, хусусан, Италиядан замонавий технологик линия харид қилинди. Илғор ускуналар соатига 18 тонна узумни қайта ишлайди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Жиззах шаҳрида тадбиркор Жамшид Ҳотамов саъй-ҳаракати билан қиймати 330 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилди.*

### Саноат учун сармоя

— Корхонада 8 турдаги гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши билан бирга, ош тузини қадоқлаш ҳам йўлга қўйилади, — дейди “Жавоҳир само” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ж. Ҳотамов. — Бунинг учун ўз маблағимиздан ташқари, банкнинг 80 миллион сўмлик кредитидан ҳам фойдаландик.

Корхона тўла қувват билан иш бошлагач, ходимлар сони 20 нафарга етиши кутилмоқда. Айни пайтда ҳар ойда 20 миллион сўмлик колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилаяпти.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Обод турмуш йилида Чирчиқ шаҳри маҳаллалари чинакам бунёдкорлик майдонига айланди. Хусусан, Ишонч маҳалласида замонавий гузар барпо этилиши ҳудуд кўркига кўрк қўшиш баробарида, аҳоли учун катта қулайлик яратди.*

### Маҳалланинг замонавий гузари

— Маҳалла аҳли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, гузар қошида 10 та бўлимдан иборат савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасини ишга туширдик, — дейди лойиҳа ташаббускори, “Шуҳрат Ҳуснида сервис” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ҳуснида Эргашева. — Уларда ҳамшаҳарларимизга кенг турдаги истеъмол товарларини мақбул нархларда тақдим қилаяпмиз.

Мажмуани бунёд этишда тадбиркор тижорат банки кўмагидан ҳам унумли фойдаланди. Муҳими, бу ерда маҳалланинг 25 нафар ўғил-қизи доимий иш жойига эга бўлди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Маҳаллийлаштириш дастури:**

# МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР

*Бугун дунё ҳамжамияти истиқлолнинг йигирма икки йили мобайнида мамлакатимизда қўлга киритилган улкан ютуқларни, Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш йўли, юртимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар мазмун-моҳиятини алоҳида эътироф билан ўрганаётгани кўнглимизни тоғдек кўтариб, ғурур ва ифтихор бахш этмоқда.*



“Қизилкумцемент” очиқ акциядорлик жамиятида

**34** миллиард сўмлик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда.







Маълумки, ҳозирги вақтда жаҳон бозорида сифатли цемент маҳсулотларига талаб юқори. Бу эса, ўз навбатида, корхона салоҳиятини юксалтириш учун ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни татбиқ қилишни тақозо этмоқда. “Қизилқумцемент” очиқ акциядорлик жамиятида айни кунларда амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар ҳам ана шундан далолат беради.

Мазкур корхонада бу омилларга катта эътибор қаратилаётгани боис жорий йилнинг биринчи ярмида бир миллион 649 минг тонна цемент тайёрланиб, белгиланган режа ортиғи билан уддаланди. Айни чоғда бу ерда йил охиригача моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва янги линияларни ишга тушириш мақсадида кўплаб инвестициявий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаяпти.

Жамиятда халқ истеъмоли моллари ва Маҳаллийлаштириш дастури асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилаётгани ҳам диққатга сазовор. Бунда Президентимизнинг 2011 йил 29 июлдаги “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётир. Ушбу ҳужжат талабларидан келиб чиқиб, учта — ўтга чидамли шамот ғиштлари, тампонажли портландцемент тайёрлаш ва диабаз пироксенит қазиб олиш лойиҳалари рўёбга чиқарилгани бунинг тасдиғидир.

Албатта, цемент ишлаб чиқариш — узлуксиз жараён. Яъни битта гуруҳ конлардан зарур тоғ жинсларини етказиб берса, бошқаси уни куйдириш учун клинкер тайёрлаш цехига жўнатади. Шундан сўнг яримтайёр маҳсулот — клинкер майдалаш цехида цементга айлантирилади. Бу борада юқори қувватли техникалардан самарали фойдаланилаётгани кутилган натижани бераётир.


(Давоми 2-бетда).


# ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

*Тошкентда Иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Латвия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, иқтисодиёт, савдо-саноат, сармоя, нефть-газ, энергетика, фан-таълим, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат ва кимё саноати, фармацевтика, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, ахборот ва телекоммуникация технологиялари, транспорт ва транспорт коммуникациялари, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, комиссия ҳамраиси Элёр Ғаниев Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда, жумладан, савдо-иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий соҳаларда ҳам ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Савдо-саноат, сармоя, транспорт ва транспорт коммуникациялари, сайёҳлик, стандартлаштириш, фан-таълим каби кўплаб соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган. Савдо, иқтисодиёт ва саноат соҳасида Ўзбекистон билан Латвия ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Мамлакатларимиз савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мунтазам ошмоқда. 2012 йилда бу кўрсаткич 243,2 миллион, жорий йилнинг январь — июнь ойларида эса 125,6 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.


(Давоми 2-бетда).




*19 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.*

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Мажлисда депутатлар корпуси сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳининг ишлаб чиқилган нуқтаи назарларидан келиб чиққан ҳолда «Биржа фаолияти тўғрисида»ги, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги ва «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини ҳар томонлама муҳокама этди.

«Биржа фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ЎзЛиДеП фракцияси вакилларининг алоҳида диққат-эътиборини тортди. Ушбу қонун лойиҳасини ўрганиш шуни кўрсатадики, у бозор биржа нархларини шакллантириш (котировкалаш) жараёнларини халқаро стандартлар даражасида ҳуқуқий таъминлаш, нархларнинг эҳтимол тутилган ўзгаришларини суғурта қилиш, савдо қилинаётган активларнинг инвестициявий жозибадорлигини, нархларнинг ошкоралигини таъминлаш, нархларнинг келгуси ўзгаришлари тенденцияларини белгилаш, шунингдек, талаб ва таклифнинг мувозанатини аниқлаш каби бир қатор вазифаларни ҳал этишга қаратилгандир.

ЎзЛиДеП фракцияси томонидан ушбу қонун лойиҳасининг қўллаб-қувватланиши у молиявий секторни ривожлантиришга кўмаклашиб, биржа фаолияти масалаларида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини яратибгина қолмай, балки чет эллик инвесторлар учун мамлакатимизнинг биржа бозори жозибадорлигини ошириши билан боғлиқ эканлиги мажлисда қайд этиб ўтилди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» ДП фракциясининг фикрича, «Биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг қабул қилиниши Ўзбекистон манфаатлари йўлидаги кучли ички ва ташқи иқтисодий стратегияни амалга оширишнинг муҳим омили бўлади. Бу эса Ўзбекистон «Миллий тикланиш» ДП дастурий мақсадларида акс этган: миллий иқтисодиётда тизимли чуқур ўйланган ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этиш, миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашнинг самарали сиёсатини юритиш вазифаларига мос келади.

Қонуннинг қабул қилиниши биржа фаолияти ва биржалар иши масалаларида ягона ҳуқуқий амалиётни қўллаш учун шарт-шароитлар яратишга, биржа бозорининг иштирокчилари, шу жумладан, акциядорлар, инвесторлар ва давлатнинг манфаатлари мувозанатига эришишга имкон беради. Ушбу партия маҳаллий биржа бозорларининг жаҳон биржа бозорига уйғунлашуви учун шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини жаҳоннинг етакчи биржалари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик билан мувофиқлаштириш, биржа фаолияти тизимининг барча асосий элементларининг, савдо, клиринг, ҳисоб-китоблар, битимлар ижроси кафолатларининг жаҳон стандартлари даражасида амал қилишини таъминлаш, шунингдек, маҳаллий биржалар котировкаларининг чет эллик инвесторлар томонидан тан олинишига эришиш ва бунинг натижасида чет эллик инвесторлар учун уларнинг жозибадорлигини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди. Буларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» ДП фракцияси ушбу қонун лойиҳасининг биринчи ўқишда қабул қилинишини қўллаб-қувватлашини билдирди.


(Давоми 2-бетда).


# Истеъдодли ёшлар

**ўз лойиҳалари ва иқтидорларини нуфузли танловнинг вилоят босқичларида синовдан ўтказмоқдалар**

*Юртимизда ёшларга кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликлар туфайли истеъдодли ўғил-қизлар сафи тобора кенгайиб бораяпти. Уларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришда мунтазам ўтказиб келинаётган турли кўрик-танловлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.*

■ «КЕЛАЖАК ОВОЗИ — 2013»

Тўққиз йилдан буён ташкил этилаётган “Келажак овози” республика кўрик-танлови ана шулар жумласидандир. Яқинда Наманган шаҳрида мазкур танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловнинг бу йилги саралаш босқичида Наманган вилоятидан 11400 нафарга яқин йигит-қизлар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ҳамда техник ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, бадиий ижод ва публицистика номинациялари таркибидаги ўн бешта йўналиш бўйича билим ва салоҳиятларини намоён этдилар.


(Давоми 3-бетда).


■ БИЗ ВА ЖАҲОН

*Яқинда Рональд Рейган номидаги Вашингтон Халқаро савдо марказида Америка — Ўзбекистон савдо палатаси кўмагида Ўзбекистон — Америка бизнес анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда АҚШ давлат ташкилотлари ҳамда “Boeing”, “General Motors”, “Coca-Cola”, “Johnson&Johnson”, Procter&Gamble” ва бошқа шу сингари 50 дан ортиқ компаниялар вакиллари иштирок этди.*

# Вашингтонда Ўзбекистон — Америка бизнес анжумани

Тадбир чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Америка — Ўзбекистон савдо палатаси ташкил этилганлигининг 20 йиллиги муносабати билан йўллаган табрик сўзи анжуман иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

**Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси К. Лэмм** АҚШ билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масаласига қаратаётган эътибори ҳамда палата фаолиятига бераётган ҳар томонлама кўмаги учун Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик билдирди.

К. Лэмм бой табиий ресурслар ва улкан кадрлар салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистон хорижлик сармоядорлар учун қулай шарт-шароитларни яратиб беришга интилаётганлигини ҳамда Американинг етакчи компаниялари ўзбекистонлик ҳамкорлар билан биргаликда умумий қиймати 4 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган сармоявий ва савдо лойиҳаларини амалга оширишни режалаштираётганини алоҳида таъкидлади.

**Америка — Ўзбекистон савдо палатаси президенти Т. Мак-Гроу** Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик ўзи раҳбарлик қилаётган савдо палатаси салоҳиятини юксалтираётгани ҳолда, янада кўпроқ америкалик ишбилармонлар мамлакатимиз билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш билдираётганини маълум қилди.

Форум доирасида нефть-газ, кимё, фармацевтика саноати ва автомобилсозлик соҳаларидаги сармоявий лойиҳалари акс этган Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятининг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди.

**Халқаро валюта жамғармаси департаменти директорининг ўринбосари В. Бакалу**нинг сўзларига қараганда, Марказий Осиё минтақаси бугунги кунда ривожланган мамлакатларда кечаётган иқтисодий муаммолар шароитида “барқарорлик ороли” сифатида эътироф этилмоқда. У Ўзбекистондаги ялпи ички маҳсулот ўсиши кўрсаткичларини, мамлакатдаги ички талаб даражаси ҳамда олтин-валюта захираларининг ошиб бораётганини, шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати томонидан янги иш ўринларини ташкил этишга қаратилган сиёсатни юқори баҳолади.


(Давоми 2-бетда).

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги ва «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини муҳокама этишда ЎзХДП фракциясининг аъзолари алоҳида фаоллик кўрсатдилар. Улар мамлакатимизда васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали, кўп босқичли тизими яратилганини, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўрилаётганини таъкидладилар. Ота-оналарнинг ҳомийлигисиз қолган болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида бутун норматив-ҳуқуқий база яратилди, жумладан, Оила ва Фуқаролик кодекслари, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Шу билан бирга, партиянинг фикрича, махсус қонун ҳужжатида васийлик ва ҳомийликни аниқлаш масалаларини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормаларни тизимлаштириш, кодификациялаш зарурлиги таъкидланмоқда.

ЎзХДП аъзоларининг сўзларига қараганда, фракция ўз партиявий устуворликларидан келиб чиққан ҳолда, кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларини ҳар томонлама ўрганиб чиқди. Уларнинг таҳлили асосий тушунчалар, давлат сиёсатининг йўналишлари, давлат органларининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги принциплари, вазифалари ва ваколатларини белгилаб берувчи нормаларнинг киритилиши асосий принципиал ва янги қоидалардан бири бўлганини кўрсатмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳаларида соғлиқни сақлаш органлари зиммасига ишга яроқсиз ва ишга яроқлилиги чекланган шахсларнинг ҳисоботини юритиш бўйича функцияларни, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари зиммасига эса соғлиғи ҳолати бўйича ҳомийликка муҳтож ишга яроқли шахсларнинг ҳисоботини юритиш бўйича функцияларни юклаш ҳам назарда тутилмоқда.

ЎзХДП фракциясининг ишончи комилки, бу васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг барча тоифаларини жойлаштириш бўйича ишларни самарали ташкил этиш, унинг мониторингини юритиш, мушкул аҳволда қолган болалар, ишга яроқсиз ва ишга яроқлилиги чекланган фуқаролар, шунингдек, ташқи ёрдамга муҳтож кекса ва бошқа шахслар тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш учун шарт-шароитлар яратиб беради. Мажлисда таъкидланганидек, буларнинг барчаси Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий вазифаларига ва унинг электорати манфаатларига тўлиқ жавоб беради.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг аъзолари ҳам қонун лойиҳаси юзасидан ўз нуқтаи назарларини билдирдилар. Партиянинг сайловолди платформасида жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш учун барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари юксак даражада қонуний ҳимоя қилинишини қўллаб-қувватлашни давом эттириш ҳамда жамиятда юзага келган талаблар ва эҳтиёжларга мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш муҳимлиги аниқ белгилаб қўйилган. Шу муносабат билан мазкур партиянинг парламентдаги вакиллари ушбу қонун лойиҳалари муҳим ижтимоий аҳамиятга эгалиги туфайли уларни мазкур йўналишдаги навбатдаги қадам, деб ҳисоблайди.

Васий ва ҳомийни тайинлашнинг батафсил тартиби белгилаб қўйилгани таъкидланди, бу эса, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг фикрича, ота-оналарнинг ҳомийлигисиз қолган болаларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтиришга кўмаклашади. Жумладан, тарбиялаш учун уларни оилаларга ёки ижтимоий муассасаларга жойлаштириш масаласи ҳал қилингунига қадар бир ойлик муддатга жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган дастлабки васийлик ва ҳомийлик институти жорий этилади.

Қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши васийликдаги кишиларнинг қонуний кафолатларини кучайтириши алоҳида таъкидланди, шу орқали улар ўзининг боқилиши, тарбияланиши ва соғлиғи ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш, васийлик ва ҳомийлик органларидан ўз ҳуқуқлари тўғрисида ахборот олиш борасида ҳуқуқлар билан таъминланади. Бошқа тарафдан, васийлар ва ҳомийларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқлаштирилмоқда. Шунингдек, васийликдаги кишилар, васийлар ва ҳомийларнинг мулкка эгалик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари белгилаб берилмоқда.

Ушбу лойиҳалар бўйича муҳокаманинг сўнгида «Адолат» партиясининг депутатлари мазкур қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши васийлик ва ҳомийлик тизимининг янада модернизация қилинишига хизмат қилишини, улар фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлашини, бу эса, шубҳасиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидладилар.

Билдириб ўтилган нуқтаи назарлардан келиб чиққан ҳолда, парламент аъзолари «Биржа фаолияти тўғрисида»ги, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги ҳамда «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватладилар. Барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан Қонунчилик палатаси тегишли қарорларни қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

# ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистонда Латвия сармояси иштирокида тузилган 22 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар мебелсозлик, тўқимачилик, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, нефтни қайта ишлаш, полиграфия, логистика, улгуржи савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларга ихтисослаштирилган. Юртимизда Болтиқбўйидаги ушбу мамлакатнинг 10 та етакчи компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Ҳукуматлараро комиссия мажлисида Ўзбекистон ва Латвия ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада оширишдан, кенг кўламли савдо-иқтисодий, сармоявий ва илмий-техникавий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор экани таъкидланди. Мамлакатларимиз транзит юк ташиш, илм-фан, сайёҳлик, стандартлаштириш каби соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга экани қайд этилди.

Музокарада Латвия делегацияси Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётни ривожлантириш йўлида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар натижалари, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва “Ангрен” махсус индустриал зонасида сармоядорлар учун яратилган қулай имкониятлар билан таништирилди.

— Латвия Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди, — деди Латвия Республикаси иқтисодиёт вазирлигининг давлат котиби, комиссия ҳамраиси Юрис Пуце. — Ўзаро дўстона алоқалар мамлакатларимиз ҳамкорлигини изчил равнақ топтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Сўнгги йилларда ҳамкорлик қамрови янада кенгаймоқда. Жумладан, иқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, таълим каби соҳалардаги алоқалар фаоллашмоқда. Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий муносабатларни янада тараққий эттиришдан манфаатдормиз.

Музокарада ўзаро ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Савдо, иқтисодиёт, транспорт ва транзит, фан ва техника, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, стандартлаштириш, аккредитация, мувофиқликни баҳолаш каби йўналишлардаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни Ўзбекистон ва Латвия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, мавжуд имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди. Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, тиббиёт техникаси ишлаб чиқариш, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига Латвия компанияларини кенг жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

**Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.**

# Вашингтонда Ўзбекистон — Америка бизнес анжумани

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**АҚШ Қишлоқ хўжалиги департаментининг катта ходими Ч. Раш** қишлоқ хўжалиги ускуна ва технологияларини ишлаб чиқарадиган америкалик ишбилармонларни Ўзбекистон билан янада фаол ҳамкорлик қилишга чақирар экан, мамлакатимизнинг қулай географик ҳудудда жойлашгани ҳамда юртимизда юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятининг мавжуд эканини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, у АҚШдан зотдор чорва молларни келтириш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш истиқболли йўналишлардан бирига айланиши мумкинлигини ҳам қайд этди.

**Хусусий хорижий сармоялар корпорациясининг бизнесни ривожлантириш бўйича директори М. Стукарт** дунёнинг энг барқарор ривожланиб бораётган давлатларидан бири ҳисобланган Ўзбекистоннинг улкан иқтисодий салоҳиятга, ўзига хос бой маданият ва ажойиб сайёҳлик имкониятларига эга эканлигини алоҳида таъкидлади.

**АҚШ Эксимбанки катта менежери Б. Сан Анжело** Ўзбекистоннинг юқори кредит рейтингини эътироф этар экан, мамлакатимизда фаолият юритишни режалаштираётган Америка компанияларига молиявий кўмак беришга тайёрлигини маълум қилди.

Форум қатнашчилари ушбу тадбир Ўзбекистон ва АҚШ ишбилармонлари ўртасидаги сармоявий ва савдо алоқаларининг янги истиқболларини кашф этишга хизмат қилишига ишонч билдирдилар. Шу билан бирга, Американинг қатор компаниялари вакиллари ўзбекистонлик ҳамкорлар билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини жиддий ўрганиб чиқишга тайёр эканликларини қайд этди.

**“Cameco” корпорацияси вице-президенти К. Сейтц** мамлакатимиз тоғ-кон саноатининг улкан салоҳиятга эга эканини эътироф этар экан, Америка компаниялари Ўзбекистон ҳудудида табиий қазилмаларни қазиб олиш бўйича ишлаб чиқилган қатор сармоявий лойиҳаларга қизиқиш билдирганини маълум қилди.

**Ўзбекистондаги “CNH Industrial” директори П. Вэйкфилд** мамлакатимизда экскаватор ва янги турдаги тракторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги ва ҳозирги кунда Ўзбекистон бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳажмини оширишни режалаштираётганини айтди.

**“Boeing” корпорациясининг халқаро операциялар бўйича директори Б. Лопп** тадбир иштирокчилари билан қўшма лойиҳалар ва “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари ҳақидаги фикрларини ўртоқлашди.

— Биз Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги энг муҳим ҳамкор сифатида қараймиз ва ўзаро алоқаларни янада чуқурлаштириш ниятидамиз, — деди у. — Шу йилнинг охиригача Тошкентда самолёт қурилмалари қисмларини таъмирлаш бўйича ҳудудда ягона бўлган марказ ташкил қилинади. У “Boeing — 787 Dreamliner” янги авлод самолётлари авиация техникасига хизмат кўрсатади.

**“Coca-Cola” компанияси ҳудудий менежери О. Пилецки** келгуси йили компания янги турдаги маҳсулотлар — шарбат ва чой ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистонга 50 миллион АҚШ долларидан зиёд сармоя киритишни режалаштираётганини маълум қилди.

**“Lockheed Martin” компаниясининг бизнесни ривожлантириш бўйича директори Н. Томблин** ҳам ўзбек ишбилармонлари билан ҳамкорлик даражасига, мамлакатимизда муваффақиятли бизнесни амалга ошириш учун яратилган қулай муҳит, изчил инфратузилма тараққиёти ҳамда бой илмий ва кадрлар салоҳиятига юқори баҳо берди.

**«Жаҳон» АА.**
Вашингтон

## Андижон томонларда

*Бир йил муқаддам “Андижон биокимё” корхонасида этил спирти ишлаб чиқариш цехини барпо этиш юзасидан Германиянинг “Райнер Шмитт” компанияси билан умумий қиймати 2 миллион 700 минг еврони ташкил қилувчи йирик лойиҳа бўйича шартнома имзоланган эди.*

### Корхона қуввати ортди

Ушбу келишувга мувофиқ, яқинда корхонага импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берувчи энг замонавий ускуна ва жиҳозлар келтириб ўрнатилди. Айни пайтда бу ерда кунига 30 минг литр этил спирти тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Ўзбекистонлик ёшларнинг қобилияти ва малакаси нақадар юқори эканига амин бўлдим, — дейди компания бош муҳандис-технологи Михаел Хесс. — Улар ғоят аниқлик, юксак маҳорат талаб этадиган юмушларни бемалол уддалашмоқда.

### Марҳаматда муҳташам мажмуа

*Марҳамат тумани маркази эндиликда қурилиш ва ободонлаштириш майдонига айланган.*

Кўримсиз ва пасқам бинолар ўрнида шаҳарсозлик талабларига тўла жавоб берадиган замонавий иншоотлар барпо этилаётир. Йўллар кенгаймоқда.

Тадбиркор Жамолиддин Умаров томонидан қуриб битказилган “Истиқлол” тантаналар саройи дастлабки мижозларини қабул қила бошлади. Савдо дўконлари, сервис хизмати шохобчаларини ўз ичига олган ушбу мажмуа бир вақтнинг ўзида 400 кишига хизмат кўрсатиш имконига эга. Уч қаватли мазкур иншоот фойдаланишга топширилиши билан 30 та иш ўрни яратилди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Маҳаллийлаштириш дастури:**

# МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Шундай йирик саноат корхонасида меҳнат қилаётганимдан фахрланаман, — дейди айланма печь машинисти Бобоназар Абдуллаев. — Яна бир қувонарли жиҳат шундаки, жамоамизнинг аксарияти ёшлардан иборат. Улар мураккаб технологияларни бошқаришни тезда ўзлаштириб, биз, катталарни ҳам ҳайратга солмоқда.

Дарҳақиқат, корхона ва Навоий шаҳридаги индустриал-иқтисодиёт коллежи ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, унга кўра, жорий йилнинг ўзида бу билим даргоҳининг 249 нафар ўқувчиси амалиётни шу ерда ўтади. Уларнинг 43 нафари эса мутахассис сифатида ишга қабул қилинди.




Келгусида корхонани модернизациялаш ва Маҳаллийлаштириш дастури асосида умумий қиймати 72 миллиард сўмлик лойиҳани амалга ошириш ҳам кўзда тутилган. Бунинг эвазига йилига 500 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган замонавий цемент тегирмони ишга туширилади.

Мухтасар айтганда, юртимиздаги бунёдкорлик, яратувчанлик ишларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган уч минг кишидан ортиқ жамоа аҳли бундан-да юқори натижаларга эришиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

**Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**
Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

## ИСЛОҲОТ

*Бугун мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар самарасида Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан дадил одимламоқда. Ушбу жараёнда аҳолининг фаол қатнашиши, ҳуқуқий онги ва маданияти даражасининг юксак бўлиши муҳим ўринга эга.*

# Юксак ҳуқуқий маданият ва фуқаролик жамияти

Фуқаролар онгига демократик тамойилларни чуқур сингдириш, улар қалбида юрт тараққиётига дахлдорлик ҳиссини кучайтиришда ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълимнинг ўрни беқиёс. Бу эса ҳуқуқ-тартибот идоралари, таълим муассасалари ва ҳуқуқшунос олимлар зиммасига жуда катта масъулият юклайди.

Ўтган йиллар давомида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини, сиёсий фаоллигини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича муайян ютуқлар қўлга киритилди. Шубҳасиз, бу мазкур масалага давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётганининг амалий натижасидир.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, энг аввало, ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилади. Шу мақсадда дастлаб 1992 йил 8 январда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармон ва Вазирлар Маҳкамасининг ушбу фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган қарорида ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълимни ривожлантиришга оид аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Кейинчалик, яъни 1997 йил 25 июнда Президентимизнинг “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”-ги Фармони ва бошқа муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар бугун ҳам бу борадаги ишларимизни замон талаблари даражасида олиб боришда ўзига хос дастуриламал бўлмоқда.

Айниқса, Юртбошимизнинг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдек эзгу мақсадни янада кенгроқ амалга ошириш имконини берди. Унга мувофиқ, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси Адлия вазирлиги зиммасига юклатилди ва идоралараро Кенгаш ташкил этилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида давлат органлари ва жамоат бирлашмалари томонидан 174 мингдан зиёд, Адлия вазирлиги томонидан эса 28 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари амалга оширилган.

Ушбу йўналишдаги чора-тадбирларнинг самарадорлигини юксалтиришда Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Мудофаа, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Божхона, Солиқ, Дин ишлари бўйича қўмиталари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда бошқа манфаатдор идора ва ташкилотлар билан имзоланган меморандумлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, ҳар йили мактаб, ўрта махсус ҳамда олий ўқув юртлари ўқувчи ва талабалари ўртасида ўтказилаётган “Сиз қонунни биласизми?”, “Ёш ҳуқуқшунослар”, “Ҳуқуқ билимдонлари” каби кўрик-танловларнинг ҳам ўрни беқиёс бўлаётир.

Шунингдек, Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, вазирликлар ҳамда идоралар ҳамкорлигида “Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги” доирасида ташкил этилаётган “Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!”, “Конституция — ҳуқуқ ва эркинликлар кафолати”, “Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият!”, “Мустақиллик — ҳуқуқ демакдир” мавзуларидаги тадбирлар ёшларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда қўл келмоқда.

Сир эмаски, бугун ҳаётимизни интернетсиз тасаввур этиб бўлмайди. Таҳлилларга кўра, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг кўпчилиги ахборотга бўлган эҳтиёжини ана шу тармоқ маълумотлари орқали қондирмоқда. Давр талабидан келиб чиқиб, ҳуқуқий ахборотни интернет орқали етказиб бериш амалиёти ҳам кенг йўлга қўйилди. Интернетда “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотларининг миллий базаси” — “LexUZ”нинг яратилгани аҳолига ҳуқуқий ахборот етказиб бериш борасидаги ишларни янада жонлантирди. Ушбу базада ўзбек ва рус тилларида 26 мингга яқин ҳужжат жамланган бўлиб, ундан бир кунда 2500-3000 нафар юридик ва жисмоний шахс бепул фойдаланмоқда. Шу билан бирга, ҳозир мамлакатимизда ҳуқуқ соҳасига ихтисослаштирилган 5 та журнал ва 30 дан зиёд газеталар фаолият юритаётир. Уларда ёритилаётган мақолалар кенг жамоатчилик ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, уларнинг манфаатларини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Айни чоғда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқиб, Адлия вазирлиги томонидан манфаатдор идоралар билан биргаликда Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳани тайёрлашда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Олий суд, Конституциявий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура — жами 50 дан ортиқ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг таклиф ва тавсиялари инобатга олинди. Шунингдек, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Россия, Украина каби давлатлар тажрибаси ҳам атрофлича ўрганилди.

Мухтасар айтганда, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, бу билан боғлиқ чора-тадбирлар мазмуни ҳамда кўламини кенгайтириш, сифатини ошириш — давр талаби. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, онги, тафаккури, эътиқоди мустаҳкам бўлган, ўз мустақил фикри билан яшаётган одамни чалғитиб ҳам, кимлардир хоҳлаган томонга оғдириб ҳам бўлмайди.

**Алижон ОЧИЛОВ, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи.**

# «Трастбанк»нинг янги филиали

*Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида республикамиздаги 15 та тижорат банкининг 60 та филиали ҳамда 600 та мини-банки фаолият юритмоқда.*

## ХИЗМАТ

Яқинда улар сафига “Трастбанк” хусусий очиқ акциядорлик биржа банки филиали ҳам қўшилди.

Айтиш жоизки, 1994 йилда ташкил этилган “Трастбанк” ХОАББ ўз мижозларига кенг турдаги молиявий хизматларни тақдим этиб келмоқда. Шу кунгача унинг пойтахтимиз ҳамда Наманган, Термиз, Андижон ва Самарқанд вилоятларида офислари очилган эди. Янгидан иш бошлаган Қарши филиалида ҳам барча банк операцияларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Хусусан, мижозлар бу ерда миллий ва хорижий валютадаги ҳисобварақларини очиши ҳамда юритиши, ҳисоб-китоб кассаси, кредит олиш ва лизинг хизматларидан фойдаланиши, “Интернет-банк” тизими орқали ҳисоб-китоб юритишни йўлга қўйиши мумкин.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

*Мексикада кузатилаётган сув тошқинлари катта талафотларга сабаб бўлаяпти.*

## Тошқин оқибати



“AFP” ахборот агентлиги тарқатган хабарларга кўра, табиий офат оқибатида ҳозиргача саксон киши қурбон бўлган. Бу рақам яна ўзгариши мумкин. Чунки мамлакатнинг бир нечта тоғли ҳудудларидаги аҳоли яшаш пунктларида мураккаб вазият сақланиб турибди.

Тинч океани соҳилидаги давлатнинг йирик сайёҳлик маркази ҳисобланган Акапулько шаҳрида эса 40 минг турист қолиб кетган. Айни вақтда уларни эвакуация қилиш ишлари олиб борилаётир.

Мутахассислар Мексикадаги бу галги сув тошқинлари сўнгги ярим аср ичида қайд этилганлари орасида энг йириги, дея баҳолашмоқда.

## Ходимлар сони қисқаради

*Смартфонлар ишлаб чиқарувчи “Blackberry” (АҚШ) компанияси ходимлар сонини беш мингтага қисқартиришни режалаштирмоқда, дейилади “The Wall Street Journal” нашри хабарида.*

Бу кейинги вақтларда компания фаолияти кўнгилдагидек кетмаётгани билан боғлиқ. Шу боис сарф-харажатларни камайтириш учун штат жадвалини ўзгартириш энг маъқул йўл, деб топилди.

Айни пайтда мазкур ташкилотда 12,7 минг киши меҳнат қилади. Икки йил олдин уларнинг сафи 17 минг нафардан кўп эди. Бу иш ўринларини қисқартириш борасидаги дастлабки ислоҳот эмас.

## Пешқадам ўзгармади

*“Forbes” журнали АҚШнинг энг бой одамлари рўйхатини эълон қилди.*

Бу йил ҳам юқори учликдаги шахслар номи ўзгармаган. Жумладан, “Microsoft Corp” компанияси асосчиси Билл Гейтс 72 миллиард АҚШ долларилик маблағи билан етакчилик мавқеини сақлаб қолди. “Berkshire Hathaway” компанияси эгаси, инвестор Уоррен Баффет (58,5 млрд.) иккинчи, “Oracle” компанияси асосчиси Ларри Эллисон (41 млрд.) эса учинчи поғонани банд этди.

## Меҳмонхонадаги кутилмаган «меҳмон»

*Зимбабведаги “Humani Lodge” меҳмонхонасида ғалати ҳодиса рўй берди.*



Гап шундаки, ушбу мажмуа хўжайини Гай Уиттолл ўзи билмаган ҳолда эрталабгача тимсоҳ билан бир хонада тунаган. Яъни йиртқич унинг каравоти остига кириб олган экан. Нонушта вақтидагина Уиттолл бундан хабар топган.

Маълум бўлишича, узунлиги 2,5 метр, оғирлиги 150 килограмм келадиган ушбу жонивор меҳмонхона яқинидаги Тургве дарёсида яшаган. Аммо сўнгги кунларда бу ерда ёмғир ёғиб, ҳаво бир оз совиган. Шу боис йиртқич иссиқ жой қидириб, меҳмонхонага кирган.

Тимсоҳ мутахассислар ёрдамида олиб чиқилиб, яна дарёга қўйиб юборилди.

## Интернет тиббий маслаҳат беради

*“Google” компанияси интернет тармоғида ўзининг тиббий маслаҳат хизматини ҳам йўлга қўймоқчи.*

Бу ҳақда унинг директори Ларри Пейж айтиб ўтди. “Calico” дея номланган мазкур лойиҳани амалга ошириш учун қанча маблағ йўналтирилаётгани маълум эмас. Аммо шуниси аниқки, унда кексалик ва ёш билан боғлиқ хасталикларга оид маълумотлар ўз ифодасини топади.

— Бу муаммолар ҳаммамизнинг бошимизда бор, — дейди Пейж. — Чунки одам кексайгани сайин уни турли касалликлар безовта қила бошлайди ва бу бора-бора руҳий тушкунликни келтириб чиқаради. Шундай пайтда “Calico” хизматига мурожаат қилиб, зарур маслаҳатлар олиш мумкин.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# Истеъдодли ёшлар

**ўз лойиҳалари ва иқтидорларини нуфузли танловнинг вилоят босқичларида синовдан ўтказмоқдалар**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Танлов ғолибларидан бири — Наманган муҳандислик-технология институти талабаси Баҳром Дадамирзаев “Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар” йўналишида махсус ишланмаси билан қатнашди.

— Бу ихтиронинг афзал томонлари кўп, — дейди Баҳром. — Аввало, у ишлаб чиқарилаётган пахта толаси сифатини янада яхшилаш ва вақтни тежашга хизмат қилади. Мисол учун, ҳозирги пайтда корхоналарда соатига 2 тонна пахта ишлаб чиқарилса, мен таклиф этаётган ишланма ёрдамида бу кўрсаткич 2,5 тоннага етади.

Танловнинг вилоят босқичида иқтидорли, билимли ёшларнинг 45 нафари республика босқичи йўлланмасига эга бўлди.

* * *

Термиз давлат университетида “Келажак овози — 2013” республика ёшлар танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда танлов вилоят ғолибларининг ижодий ишлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида танловнинг дастурий таъминот йўналиши ғолиби Хадича Тўраева бошланғич синф ўқувчиларига инглиз тилини ўргатишда кўмаклашувчи дастур, рационализаторлик таклифлар йўналиши ғолиби Маърифат Ҳайитова шўрланган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан экин экиш имкониятини яратиш ҳамда ширинмия ўсимлиги хом ашё базасини яратиш, яна бир қатнашчи Нуриддин Ўролов эса таркибида йод мавжуд бўлган табиий қўшимчалар ва улар ёрдамида озиқ-овқат маҳсулотлари олиш мавзуидаги бизнес-ғоялари билан иштирокчиларни яқиндан таништиришди.

Тадбир сўнгида 45 нафар вилоят босқичи ғолиблари эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, тадбир давомида вилоятдаги 50 га яқин корхоналар ўзларининг янги иш ўринлари билан қатнашди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

● **Реклама ва эълонлар** ●

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 22 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ФИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2012 йил 22 октябрдаги 1-3280/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Боғ кўчаси, 34-уйда жойлашган, умумий майдони 443,0 кв.м., яшаш хоналари 6 та бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 39 000 000 сўм.***

**2.** Сергели тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ФИБ Тошкент шаҳар Яккасарой туманлараро судининг 2010 йил 20 ноябрдаги 1-8056/2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қизил Шарқ мавзеси, 21-уй, 2-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 58,21 кв.м. бўлган 2 хонали уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 46 800 000 сўм.***

2013 йил 15 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**I.** Яккасарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2011 йил 20 ноябрдаги 2-124/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Суқрот кўчаси, 13-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3 781,0 кв.м., фойдаланиш майдони 5 717,0 кв.м. бўлган 4 қаватли, ертўлали нотуроржой биноси.

***Бошланғич баҳоси — 1 148 884 921 сўм.***

**II.** Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

**1.** ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2012 йил 1 июндаги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мичурин 4-берк кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий майдони 202,07 кв.м., фойдаланиш майдони 115,24 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 3 та яшаш хоналаридан иборат уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 183 892 450 сўм.***

**2.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 31 майдаги 1-32/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўйлиқ-1 мавзеси, 23-«А» уй, 11-хонадонда жойлашган, умумий майдони 47,22 кв.м. бўлган 2 та яшаш хонали уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 38 109 250 сўм.***

**3.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2012 йил 20 февралдаги 2-124-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 177-уйнинг 1/4 қисмида жойлашган, умумий майдони 317 кв.м., фойдаланиш майдони 133,07 кв.м. бўлган икки қаватли, 5 та яшаш хонадан иборат уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 233 779 924 сўм.***

**4.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уйнинг ертўласида жойлашган, умумий майдони 20 кв.м. бўлган, 24-сонли автомобилларни сақлаш жойи.

***Бошланғич баҳоси — 42 470 000 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 (беш) банк куни муддатида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.**
**Телефон: (8-371) 250-19-24.**

*Лицензия: № RR-0017.*

1594R/105

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиалида 2013 йил 25 октябрь куни соат 14.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФЙ, «Зураймомо» МФЙда жойлашган, «1-кўчма механизациялашган карвон» МЧЖга қарашли, қурилиш ости майдони 11 365,27 кв.м., фойдаланиш майдони 4 596,42 кв.м. бўлган 0001-0012 литерлардаги молхона комплекси бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 489 657 702 сўм.***

**2.** Бешариқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ФИБ Ўзбекистон туманлараро судининг 2012 йил 9 ноябрдаги 2006/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бешариқ тумани, «Товул» ҚФЙ, «Ғалча» МФЙ, Ғалча қишлоғида жойлашган, А. Э. Нишоновага қарашли, умумий майдони 399,91 кв.м., фойдаланиш майдони 140,44 кв.м. бўлган, 0001-0011 литерлардаги ҳовли-жой бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 19 000 000 сўм.***

**3.** Марғилон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Марғилон шаҳар судининг 2012 йил 22 августдаги 1-288-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, «Меҳрибонлик» МФЙ, Янги аср (собиқ Тургенев) кўчаси, 25-уй, 2-хонадонда жойлашган, Р. Г. Мамаджановага қарашли, умумий майдони 59,27 кв.м., фойдаланиш майдони 46,39 кв.м. бўлган нотураржой бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 25 612 601 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, 2013 йил 23 октябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

2013 йил 9 октябрь куни соат 14.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк такроран ва арзонлаштирилган нархда қўйилмоқда:

Марғилон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Риштон тумани судининг 2012 йил 25 июндаги 1-11-7/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Марғилон шаҳри, «6-КМК» МЧЖга қарашли, Марғилон шаҳри, «Наврўз» МФЙ, Саккокий кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 8265,18 кв.м., фойдаланиш майдони 7 233,74 кв.м. бўлган бино-иншоотлар мажмуа сифатида.

***Бошланғич баҳоси — 672 865 772 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, 2013 йил 7 октябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Ушбу очиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 (беш) банк куни муддатида тўлиқ тўлаши керак. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулкка доир тақдим этилган ҳужжатлар билан танишиш, савдода қатнашиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 22-уй.**
**Телефонлар: (+998 73) 224-19-91, (+998 90) 231-38-59.**

*Лицензия: № RR-0017.*

1593R/105

■ ИЗЛАНИШ

*Тошкент вилоятида фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг аксарияти ўз имкониятларини муттасил кенгайтириб бормоқда.*

## Фермернинг йирик лойиҳаси

Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида ҳудудда 60 та балиқчилик, 34 та асаларичилик, 20 та паррандачилик хўжалиги ташкил этилиши ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар мевасидир.

Ўрта Чирчиқ туманидаги “Абдураҳмонов Иброҳим агро” фермер хўжалиги ҳам шулар сирасидан. Асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб келган жамоа эндиликда кўп тармоқли хўжаликка айланди. Бу ерда етти хазинанинг бири — паррандачилик йўлга қўйилиб, 130 мингта товуқ парваришланмоқда. Замонавий паррандачилик фермасини барпо этиш ва жиҳозлаш, насл ҳамда озуқа базасини яхшилаш учун тижорат банки ажратган 1,5 миллиард сўмлик кредитдан самарали фойдаланилди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**XALQ BANKI**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки**

жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида ихтиёрий равишда иштирок этаётган фуқароларни рағбатлантириш мақсадида 2013 йил 25 сентябрь куни Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 220-уйда жойлашган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Чирчиқ шаҳар Кенгашига қарашли бинонинг катта мажлислар залида ютуқлар тиражи ўтказилишини маълум қилади.

1596R/235

**ООО «FOLGOIZOL KAFOLAT»**

**предлагает кровельные и гидроизоляционные материалы.**

***ФОЛЬГОИЗОЛ NUR-IZOL NUR-FLEX — изготовлено по новейшей технологии.***



Предлагаем сотрудничество на выгодных условиях.
Гарантируем качество и надежность.

Телефоны: (+99890) 175-65-00, (+99890) 982-75-96.
www.folgoizol.uz

1552R/887

■ ИНТИЛИШ

*Жиззахлик тадбиркор Наргиза Тўйчиева “Жаннати Бибихоним” хусусий корхонасини ташкил этиб, эркак ва аёллар учун турли либослар, бош кийимлар ҳамда замонавий дизайндаги пардалар тайёрлашни йўлга қўйди.*

## Кредит самараси

Ушбу лойиҳани амалга оширишда ишбилармон аёл ўз маблағидан ташқари, банкнинг 20 миллион сўмлик кредитидан ҳам фойдаланди. Мазкур сармоя эвазига хориждан илғор тикув ва тўқув дастгоҳлари келтириб ўрнатилди.

Айни пайтда бу ерда ўнга яқин хотин-қиз бандлиги таъминланди.

**А. УЛУҒБЕКОВ.**

**EKF electrotechnica**
www.elektrotovar.uz

**ООО «MEGA-ELECTRO» — эксклюзивный дистрибьютор компании EKF в Узбекистане**

- Выключатели автоматические, устройства защитного отключения, выключатели нагрузки, устройства защиты от импульсных перенапряжений, таймеры (различное дополнительное оборудование)
- Силовые автоматические выключатели (с электроприводом и без, номенклатурный ряд до 5 000 А)
- Контакторы (контакторы, пускатели, автоматы пуска двигателя)
- Аппаратура измерения (трансформаторы тока) и аппаратура управления (реле контроля фаз, реле промежуточное, кнопки управления, переключатели кулачковые)
- Стабилизаторы напряжения и распределительные устройства
- Силовая аппаратура (предохранители плавкие, выключатели-разъединители, разъемы силовые)
- Корпуса электрощитов и монтажное распределительное оборудование
- Изоляторы высоковольтные
- Электроустановочные изделия и удлинители
- Светотехнические изделия и автоматизация систем освещения
- Частотные преобразователи
- Приводная техника (редукторы, мотор-редукторы, сервоприводы)




Гарантия — 5 лет

**ОПТОМ И В РОЗНИЦУ**

Товар сертифицирован
Лицензия №006196

**Тел. (99871) 150-18-81. Факс (99871) 216-77-74. E-mail: marketing.me@mail.ru, info@megaelectro.uz**

1047R/620

**«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

«Agro Sanoat Mulk Markazi» МЧЖ Андижон филиалида 2013 йил 25 октябрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилган:

Андижон шаҳар СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг 2012 йил 16 мартдаги 2-2-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Андижонбиокимё» ОАЖда сақланаётган:

**1.** 495 дона РОЛИК ДМ 127 узунлиги 310 мм. бўлган товар-моддий бойликлар.

***Бошланғич баҳоси — 371 250 000 сўм.***

**2.** 496 дона РОЛИК ДМ 127 узунлиги 380 мм. бўлган товар-моддий бойликлар.

***Бошланғич баҳоси — 421 600 000 сўм.***

**3.** 642 турдаги товар-моддий бойликлар.

***Бошланғич баҳоси — 7 017 360 000 сўм.***

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тегишли СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади. Юқоридаги мулклар ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий савдолар 2013 йил 15 ноябрь ва 6 декабрь кунлари бўлиб ўтади. 2013 йил 25 октябрь кунидаги аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 23 октябрь куни соат 18.00 гача, 15 ноябрь кунидаги савдо учун талабгорлардан аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 13 ноябрь куни соат 18.00 гача, 2013 йил 6 декабрь кунидаги савдо учун талабгорлардан аризалар қабул қилишнинг охирги муддати — 4 декабрь куни соат 18.00 гача.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Agro Sanoat Mulk Markazi» МЧЖ Андижон филиалининг ОАТ «Савдогар» банки Андижон бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000704964191002, МФО: 00081, СТИР: 207145251.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Андижон шаҳри, Миллий тикланиш кўчаси, 36-уй, 3-қават.**
**Телефон: (8-374) 228-46-16. Гувоҳнома № 006388.**

1592R/930

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси етакчи илмий ходим, филология фанлари доктори, профессор Нўъмонжон Раҳимжоновга турмуш ўртоғи

**Наимахон РАҲИМЖОНОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Дастурий маҳсулотлар ва аппарат-дастурий мажмуалар яратиш маркази жамоаси бош илмий ходим, техника фанлари доктори, профессор

**Зарбдор Мирзакаримович СОЛИҲОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



# Энг гуллаган ЁШЛИК чоғимда



*Келажагимиз ворисларининг она-Ватанга содиқ, фидойи ва баркамол шахс бўлиб камолга етмоғи эзгу орзу-умидлардан биридир. Фахрлансак арзийдики, навқирон авлод вакиллари тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асрай биладиган, ўзини юрт тақдирига дахлдор санаб, ғайрат-шижоат кўрсатадиган, эзгу мақсадлар сари интиладиган фаол ҳамда ташаббускор йигит-қизлар сифатида жамиятимизда ўз ўринларини топмоқдалар. Бугун энг олис қишлоқларда ҳам ёшларнинг замонавий асосда билим олиши, касб-ҳунар сирларини эгаллаши, санъат, маданият ва спорт йўналишларида катта ютуқларни қўлга киритиши учун кўркам ўқув даргоҳлари, санъат кошоналари, турли марказ ва мажмуалар бунёд қилиниб, зарур қулайликлар билан таъминланган. Мазкур саҳифамиз орқали ҳар жабҳада иқтидору салоҳиятини намоён этаётган*

***СИРДАРЁ**лик ёшлар*

*ҳаёти, орзу-умидлари, жўшқин туйғуларини сизларга етказмоққа ҳаракат қилдик.*

## Фаоллик ва ташаббускорлик

### муваффақиятлар омилидир

**Жараён**

Вилоятимиз аҳолисининг 65 фоизи ёшлардан иборат. Улар эртанги кунимизнинг ишончли таянчи, албатта. Истиқлол фарзандлари ўқиш ва касб ўрганиш билан бирга, вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли жабҳаларида фаол иштирок этишмоқда.

Жумладан, ўтган йили вилоят ёшларини қўллаб-қувватлаш ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга йўналтирилган тегишли қарор асосида ёш фермерлар ҳаракатини бошлаб юборган эдик. Орадан кўп вақт ўтмаган бўлса-да, бу ташаббус ўз самарасини берди. Ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши қошида "Маслаҳат маркази" ва уларга амалий ҳамда ҳуқуқий кўмак берувчи ишчи гуруҳи ташкил қилинди.

Айни чоғда ана шундай маслаҳат марказларимиздан бири "Ёш тадбиркор" деб номланади. Бу маскан ёшларнинг тадбиркорлик бўйича кўникма ва малакаларини шакллантириш, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган йигит-қизларга ҳар жиҳатдан ёрдам беришни ўз зиммасига олган.

Вилоятимизда тадбиркорлик соҳасида фаолият юритишни ният қилган ёшлар жуда кўп. Буни мазкур марказ томонидан ташкил этилган "Менинг бизнес ғоям" танловининг шаҳар ва туманлар босқичида 1150 нафар йигит-қиз қатнашгани ҳам кўрсатиб турибди. Яқинда Янгиер шаҳрида ўтказилган "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" ва "Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор" танловларининг 12 нафар иштирокчисига ҳудудий банклардан имтиёзли кредит олиш имкониятини берувчи сертификатлар топширилди.

Обод турмуш йили муносабати билан ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини янада кучайтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ҳам бир қатор маънавий, маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Бунда, айниқса, ҳамкор ташкилотлар билан бирга ўтказиб келинаётган "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг самараси муҳим бўлаётир.

Сирдарёлик ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари ҳақида сўз кетганда, бугун кўпчилик "жаҳонга танилаётган Аббос Махсталиев, Сардор Раҳмонов каби футболчилар шу ерда тарбия топган", дея эътироф этади. Дарҳақиқат, вилоятимизда ёшларнинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб камолга етишлари учун кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда болалар ва ёшларимиз учун 301 ўрта умумтаълим мактаби, 48 та касб-ҳунар коллежи, 4 та академик лицей, битта олий ўқув юрти ва кўплаб спорт марказлари ҳамда иншоотлари борки, уларнинг барчаси замонавий ўқув ва спорт жиҳозлари билан таъминланган.

Муҳими, бугунги ёшларимиз кўзлаган мақсад ва ниятлар уларнинг дадил интилишларида намоён бўлмоқда. Бу ҳаракатлар замирида шу азиз Ватан тақдири ва равнақи учун ёниб яшаш туйғусининг устуворлиги уларнинг келгусида эришадиган улкан ютуқларидан дарак беради.

**Ғайрат ҲУСАЙИНОВ,**
**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилояти Кенгаши раиси.**

## Рақамлар сўзлайди:

**Бугунги кунда вилоятда битта олий ўқув юрти, 4 та академик лицей, 48 та ўрта махсус касб-ҳунар коллежи, 301 умумтаълим мактаби фаолият юритмоқда. Мазкур таълим масканларидан 52 таси 2012/2013 ўқув йилида 8 миллиард 956 миллион сўмлик замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди.**

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлаб ўтказилган "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остидаги ёшлар фестивалида вилоятдаги касб-ҳунар коллежларининг 320 нафар битирувчисига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

**Бу йилги ёзги таътилда вилоят бўйлаб тузилган 24 та "Бунёдкор" ёшлар меҳнат гуруҳи қурилиш ишларида фаол қатнашди. Уларда жами беш юздан зиёд ёшлар намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар ва ижтимоий объектларни бунёд этишда ўз ҳиссаларини қўшишди.**

Вилоятнинг иқтидорли ёшларидан бири Сарвиноз Қурбонбоева шахмат бўйича ҳозиргача 11 карра мамлакат чемпиони, Малайзияда ўтказилган қизлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг эса олтин медаль совриндори саналади.

**Жорий йилнинг дастлабки олти ойида вилоятда ёш тадбиркор, фермер ва ҳунармандларга ажратилган кредитлар сони 396 та бўлиб, унинг умумий миқдори 3 миллиард 867,4 миллион сўмни ташкил этди.**

**Ифтихор**

**Президентимиз шу йилнинг июнь ойида Жиззах ва Сирдарё вилоятларига ташрифи чоғида оқолтинлик комбайнчи Азизбек Жўраевдан "Сиздан оилангиз розими?" деб сўрадилар. Юртбошимизнинг бундай юксак эътиборидан биргина Азизбек эмас, бутун Ўзбекистон аҳли мамлакатимизда оила мустаҳкамлиги ва фаровонлиги энг муҳим масала эканлигини яна бир бор чуқур ҳис қилгани, шубҳасиз.**

## Мақсади аниқ, аҳди қатъий

Азизбек оилада иккинчи ўғил. У яшаётган манзил Чилангарлар маҳалласи деб аталади. Бундай номланишига сабаб, маҳалла биқинида техника воситаларининг устахонаси жойлашган. Азизбекнинг болалигидан қишлоқ хўжалиги техникасига ихлос қўйганлигининг боиси ҳам ана шу устахона. Кечагина бу ердан оёғи узилмайдиган, техника таъмирчиларининг ишини қизиқиш билан кузатиб юрадиган болакай бугун тумандаги, вилоятдаги илғор комбайнчи.

Азизбекнинг таклифига кўра, у билан субҳидамда учрашдик. Айтишича, у тонг ёришганданоқ иш жойида бўлишга одатланган экан. Онаси Ҳамидахон аянинг дуосини олиб меҳнатга отланган йигит қуёш кўтарилгунга қадар оламжаҳон ишни бажариб яна оиласи даврасида тушлик қилишга қайтади. Турмуш ўртоғи Шаҳнозахоннинг таърифича, Азизбек тонгги меҳнатнинг баракасини қадрлаш билан бирга, комбайнини ҳам авайлаб, уни "иссиқда зўриқтирмаслик"ни жойига қўядиган трактор ҳайдовчиси экан.

Азизбекнинг онаси Ҳамидахон ая оила қўрғони, набираларининг меҳрибон бувиси, турмуш ўртоғи Шаҳнозахон оила ишидан ортиб чеварчилик билан ҳам шуғулланади. Азизбекнинг ўғиллари ҳали жуда кичик бўлишса-да, аллақачон ўзларига касб танлаб олишган. Абдулазизбек ҳарбий зобит, Дилшодбек эса шифокор бўлмоқчи.

— Юртбошимиз билан бўлган учрашувдан сўнг уйга келиб биринчи айтган сўзим ҳам шу бўлди: "Ая, сиз менинг ишларимдан хурсандмисиз?" Аяжоним бағрига босиб "Айланай, болам, бир йигит бўлса, сендай бўлади-да", деганларида ўзимни дунёдаги энг яхши ўғил деб ҳис қилдим, — дейди Азизбек Жўраев.

Азизбекнинг ака-укалари ҳам эл корига яраётган йигитлардан саналишади. Акаси Ойбек замонавий экскаватор ҳайдовчиси, укаларидан бири Баҳодир қурувчи уста, Шерали эса санъат йўлида изланишда. Аҳил-иноқ хонадондан қайтар эканмиз, Ҳамидахон ая "Яқинда кенжа ўғлим Шералини уйлантирамиз, тўйга албатта келингизлар-а", дея кузатиб қолдилар.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ФАХР**

## Обод юртнинг бахтли фарзандиман



*Инсон, айниқса, ёшлар ҳамиша орзуларга интилиб яшайди. Бу йил баҳорда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлдим. Унинг салмоқли юкини, масъулиятини ҳам ҳис этдим. Ва ўзимга ўзим сўз бердим: "Энди мен она-Ватанимнинг янада гуллаб-яшнаши ва тараққий этишига, инсон маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган кўплаб эзгу ишлар қилишим керак".*

Не бахтки, Истиқлол йилларида ҳар кўчаси, маҳалласи, шаҳару қишлоқлари кўркамлашиб бораётган гўшада туғилдим. Бу ерда ўқиб, ўрганиб, бадиий ижодга ошно бўлдим. 2010 йилда "Мўъжаз гул" номли илк шеърий тўпламим чоп этилиши қалбимга ажиб қувонч бахш этиш билан бирга, янада кўпроқ изланиш ва янгидан-янги ижод намуналари яратишга чорлади. Икки йилдан сўнг "Тилак" номли иккинчи шеърий тўпламим нашр этилди.

Юртимизда кейинги йилларда ёшлар ижодига катта эътибор қаратилаётир. Бизнинг вилоятимизда ҳам бу борада ибратли ишлар қилинмоқда. Хусусан, мана, бир неча йилдирки, вилоятимизда "Сирдарё зарқалами" кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Астойдил интилиб, изланиб, мен ҳам ушбу танловда ғолиб бўлдим.

Ҳозирги кунда Гулистон 1-академик лицейининг учинчи босқич ўқувчисиман. Лицейимиз мамлакатимизнинг энг намунали ўқув масканларидан бири. Лицейимизнинг илк директори, марҳум Саме Саматов ўқув даргоҳимизда таълим ва тарбия ишларини юқори даражага етказганлиги муҳтарам Юртбошимиз томонидан муносиб эътироф этилди. Устозимиз давлатимизнинг энг юксак мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. Бундан биз ўқувчилар жуда фахрланамиз. Устоз йўлга қўйган самарали таълим технологиялари ва у киши бош бўлиб яратилган шароитлар лицей ўқувчиларига бебаҳо мерос бўлиб хизмат қилаётир.

Келгуси йили лицейни муваффақиятли тамомлагач, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига ўқишга кирмоқчиман. Ҳозир инглиз тилини мукаммал эгаллаш учун қўшимча дарсларга қатнаяпман. Ниятим, инглиз тилида ҳам она тилимдаги каби бемалол ижод қилиш даражасига етиб, мамлакатим ва халқим ютуқларини ижодий ишларим билан жаҳонга кўз-кўз этсам, шеърларимда Ватанимни тараннум қилсам, дейман.

**Маҳзуна АБДУРАСУЛОВА,**
**Гулистон давлат университети қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси,**
**Зулфия мукофоти совриндори.**

**САНЪАТ**

## «Сирдарё наволари» — дунё саҳнасида

*"Сирдарё наволари" ашула ва рақс ансамбли Хитойда бўлиб ўтган "2013 Zhangjiajie International Country Music Festival" санъат фестивалида муваффақиятли иштирок этиб, "Энг яхши ижро учун" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.*

Эътиборлиси, мазкур ансамбль бундан аввал ҳам бир қатор нуфузли санъат тадбирларида совриндорлар сафидан жой олган эди. Хусусан, 2011 йилда Франция, Испания, Италия бўйлаб ташкил этилган "Festival de sud" фестивалида "Сирдарё наволари" ғолиб деб топилган бўлса, ижодий жамоанинг Россия, Жанубий Корея, Малайзия давлатларидаги чиқишлари хорижлик томошабинлар эътирофини қозонди.

— Сентябрь ойи охирида Ҳиндистонга жўнаб кетамиз, — дейди ансамбль бадиий раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Асатилло Холиқов. — Ҳозир ушбу давлатда ўтказиладиган фестивалга алоҳида тайёргарлик кўраяпмиз. Дастуримизда нафақат қўшиқ ва рақслар ижроси, балки шарқона либосларимиз, бой маросимиз ҳамда миллий қадриятларимиз намойишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

**Аҳмад АЛИЕВ.**



## Шижоат фасли

***Кимё фанига болаликдан қизиқишим баланд. Қолаверса, Ўзбекистонимиз Менделеев жадвалидаги барча кимёвий элементларга эга саноқли мамлакатлардан бири саналади.***

Илк интилишимни кимёнинг тиббиётдаги мўъжизаларига йўналтирдим. Гап шундаки, асаб билан боғлиқ хасталиги бор инсонларга табиий восита ёрдамида даволаниш имкониятини яратишни ўз олдимга асосий мақсад қилиб қўйдим. Бунинг учун халқ хўжалигининг деярли барча тармоқларида кенг қўлланиладиган эфир мойини ҳамда оддий ручкани танладим. Яъни таркибига эфир мойи қўшилган сиёҳни ручкага жойлаштирдим. Бу сиёҳни яратишда эса гул ва мевалар таркибидан олинадиган эфир мойларидан фойдаландим. Чунки шафтоли, малина, лимон, апельсин, мандарин каби мевалар ҳамда атиргул, сирень, бинафша сингари гуллардан олинадиган эфир мойлари асаб, юрак, қон босими ва бошқа хасталикларни даволашда самарали восита ҳисобланади. Ушбу ручка ўзининг ифори билан инсон дардига малҳам бўлади, яхши кайфият бахш этади. Бу ихтиро қулайлиги ва арзонлиги боис мутахассислар томонидан маъқулланди.

**Изланиш**

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ишларим, изланишларимни мунтазам қўллаб-қувватламоқда. Бўш вақтимни Гулистон давлат университети қошидаги "Кимёгар" кичик мактаби тингловчиси сифатида малакали устозлардан кимё сирларини ўрганишга сарфлаяпман.

Вақтимни ҳеч ҳам бекор ўтказмайман. Ўқийман, изланаман, ҳеч бўлмаганда, бирор бир бизнес режа устида ишлайман. Чунки бугун биз, ёшлар давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътиборга муносиб бўлиш учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, юртимиз келажагига масъул эканлигимизни унутмаслигимиз зарур.

**Адҳам ЖЎРАЕВ,**
**«Келажак овози» республика кўрик-танловининг «Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар» номинацияси бўйича вилоят босқичи ғолиби.**



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 79 193 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5